

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ**

**«БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ СКРИНИНГГИ, ЦЕРВИКАЛ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ
ДИАГНОСТИКА ВА БОШҚАРУВ ТАКТИКАСИ» НОЗОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК
СТАНДАРТЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Республика ихтисослаштирилган она ва бола

санитарият ва гигиена агентлиги илмий-амалий тиббиёт

маркази директори

Надирханова Н.С.

2025 й.



**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ СКРИНИНГГИ, ЦЕРВИКАЛ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ
ДИАГНОСТИКА ВА БОШҚАРУВ ТАКТИКАСИ» НОЗОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК
СТАНДАРТЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ СКРИНИНГГИ, ЦЕРВИКАЛ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ
ДИАГНОСТИКА ВА БОШҚАРУВ ТАКТИКАСИ» НОЗОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК СТАНДАРТЛАРИ**

ХКТ-10/11 бўйича кодланиши:	Нозология номи	Нозология бўйича амбулатория шароитида ташхислаш ва даволаш учун жалб этиладиган мутахассислар		Нозология бўйича стационар шароитида ташхислаш ва даволаш учун жалб этиладиган мутахассислар	
		Асосий назорат қилувчи мутахассис	Қўшимча жалб этиладиган мутахассислар	Асосий назорат қилувчи мутахассис	Қўшимча жалб этиладиган мутахассислар
ХКТ -10					
N87	Бачадон бўйни дисплазияси (бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси), бачадон бўйни карциномаси in situ истисно қилинади (D06).	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог
N87.0	Енгил бачадон бўйни дисплазияси, I даражали бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси (CIN I), паст даражадаги ясси хужайрали интраэпителиал зарарланиш (LSIL).	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог
N87.1	Ўртача бачадон бўйни дисплазияси, II даражали бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси (CIN II).	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог
N87.2	Бошқа кўрсатилган касаллик гуруҳларига киритилмаган оғир бачадон бўйни дисплазияси, бачадон бўйни in situ оғир дисплазия ва карциномасини ва кўрсатмасдан III даражали бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияни (CIN III) истисно қилади. (D06).	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог, Онкогинеколог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог
N87.9	Бачадон бўйни дисплазияси аниқ бўлмаган ҳолат	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог
ХКТ -11					
GA15.7	Бачадон бўйнининг паст даражадаги ясси хужайрали интраэпителиал зарарланиши	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог
2E66.2	Бачадон бўйни юқори даражадаги интраэпителиал ясси хужайрали зарарланишлари: бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси II даража, бачадон бўйни III даражали интраэпителиал неоплазия.	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог
QA09.4	Бачадон бўйни неоплазмаларини аниқлаш учун махсус скрининг текшируви - цервикал неоплазия учун скрининги	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог	Акушер-гинеколог	Цитолог, Гистолог

ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ ЦЕРВИКАЛ НЕОПЛАЗИЯДА РЕЖАЛИ ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ, РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ

Диагностик тадбирлар	Тиббий хизматлар номи	Режали тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича					Хизмат кўрсатиш ёки текширувни ўтказиш минимал сони	Даволаш муддати
		Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*				
		ОШП	ОП/КТМП	Туман (шаҳар) шифохоналари	Вилоят даражасидаги тиббиёт муассасалари	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалари		
Асосий мутахассис (шифокор) маслаҳати	1. Шикоятлар ва анамнез 2. Объектив кўрик 3. Физикал ва клиник текширув.	Акушер-гинеколог	Акушер-гинеколог	Акушер-гинеколог	Акушер-гинеколог	Акушер-гинеколог	2	Зарарланишнинг оғирлигига қараб: 7 кундан 1 ойгача
Эслатма: Худудда мутахассис бўлмаган ҳолларда беморлар қўшни худудга юборилади.								
Мутахассис (шифокор) маслаҳати (қўшимча)	1. Шикоятлар ва анамнез 2. Объектив кўрик 3. Физикал ва клиник текширув.	-	-	Цитолог, Гистолог, Онкогинеколог	Цитолог, Гистолог, Онкогинеколог	Цитолог, Гистолог, Онкогинеколог	1	Зарарланишнинг оғирлигига қараб: 7 кундан 1 ойгача
Эслатма: Агар беморни текшириш пайтида бирга келадиган касалликлар аниқланса, тиббий муассасалар даражасидаги кўрсатмаларга мувофиқ мутахассислар билан қўшимча маслаҳатлар ўтказилади.								
Асосий лаборатор текширувлар	1. Қин тозалик даражасини аниқлаш учун суртма олиш	+	+	+	+	+	1	Зарарланишнинг оғирлигига қараб: 7 кундан 1 ойгача
	2. ОПВ ДНК ПЗР учун бачадон бўйни суртмасини олиш	-	+	+	+	+	1	
	3. Папаниколаоу усули билан бўялган суюқлик цитологиясидан цервикал суртма олиш	-	+	+	+	+	1	
Эслатма: Агар беморни текширишда бирга келадиган касалликлар аниқланса, тиббий муассасалар даражасидан келиб чиққан ҳолда кўрсатмалар бўйича қўшимча текширувлар ўтказилади.								
Қўшимча лаборатор текширувлар	1. ПЗР хламидия, уреопласма, микоплазма гениталиум, ОГВ,	-	+	+	+	+	1	Зарарланишнинг оғирлигига қараб:

	ЦМВ							7 кундан 1 ойгача
	2. Цервикал каналдан ажралмаларни антибиотикларга сезгирликни аниқлаш учун бактериологик таҳлил қилиш.	-	+	+	+	+	1	
	3. Биопсия материални гистологик текшириш	-	-	+	+	+	1	

Эслатма: Агар беморни текширишда бирга келадиган касалликлар аниқланса, тиббий муассасалар даражасидан келиб чиққан ҳолда кўрсатмалар бўйича қўшимча текширувлар ўтказилади.

Асосий инструментал текширувлар	1. Кенгайтирилган кольпоскопия	-	+	+	+	+	1	Зарарланишнинг оғирлигига қараб: 7 кундан 1 ойгача
--	--------------------------------	---	---	---	---	---	---	--

Эслатма: Агар беморни текширишда бирга келадиган касалликлар аниқланса, тиббий муассасалар даражасидан келиб чиққан ҳолда кўрсатмалар бўйича қўшимча текширувлар ўтказилади.

Қўшимча инструментал текширувлар	1. Бачадон бўйни биопсияси	-	+	+	+	+	1	Зарарланишнинг оғирлигига қараб: 7 кундан 1 ойгача
---	----------------------------	---	---	---	---	---	---	--

Эслатма: Агар беморни текширишда бирга келадиган касалликлар аниқланса, тиббий муассасалар даражасидан келиб чиққан ҳолда кўрсатмалар бўйича қўшимча текширувлар ўтказилади.

ОШП – оилавий шифокор пункти; ОП – оилавий поликлиника; КТМП – кўп тармоқли марказий поликлиника; ОИВ – одам иммунитетни танқислиги вируси; УТТ – ультратовуш текшируви; МСКТ – мультиспирал компьютер томографияси; Эхо-КГ – эхокардиография; ЭКГ - электрокардиография

СТАЦИОНАР ДАВОЛАНИШГА КЎРСАТМАЛАР:

Агар CIN III аниқланса, онкология шифохонасида даволаниш кўрсатилади.

МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВО

Даволаш тадбирлари	Тез ва шошилиш ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича		Ўртача	Бир курслик
	Амбулатор ёрдам	Стационар ёрдам		

(асосий медикаментоз даво)		ОШП	ОП/КТМП	Туман (шаҳар) шифохоналари	Вилоят даражасидаги тиббиёт муассасалари	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалари	суткалик дозировкаси	дозировка
Дори-воситанинг (халқаро патентланмаган) номи	Дори- воситанинг дозировкаси ва қўлланилиши							
Метронидазол 200 мг, Клотримазол 160 мг, Хлоргексидин 8 мг	Вагинал шамчалар	+	+	+	+	+	Кечаси 1 шамча	7-14 шамча
Даволаш тадбирлари (қўшимча медикаментоз даво)		Тез ва шошилиш ёрдам кўрсатиш даражаси ва тури бўйича					Ўртача суткалик дозировкаси	Бир курслик дозировка
		Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам				
Dori-vositaning (xalqaro patentlanmagan) nomi	Dori- vositaning dozirovkasi va qo'llanilishi	ОШП	ОП/КТМП	Туман (шаҳар) шифохоналари	Вилоят даражасидаги тиббиёт муассасалари	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалари		
Нифурател	1 таблетка - 200 мг дан кунига 3 марта оғиз орқали	+	+	+	+	+	3 таблетка - 600 мг	21 таблетка - 4200 мг
Неомицин сульфат - 35000 ХБ Полимиксин Б сульфат - 35000 ХБ, Нистатин - 100 000 ХБ.	Вагинал шамчалар	+	+	+	+	+	Кечаси 1 шамча	7-14 шамча
Куркума мойи – 82 мг; борнеол – 75 мг; ёрдамчи моддалар: этанол, макрогол 400, макрогол 4000, полиоксил (40) стеарати, лаурокапрам.	Вагинал шамчалар	+	+	+	+	+	Кечаси 1 шамча	14 шамча

РЕЖАЛИ ЖАРРОҲЛИК ДАВО

Даволаш тадбирлари (оператив даво)	Режали тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва турлари				
	Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам		
	ОШП/ОП	КТМП	Туман (шаҳар) шифохоналари	Вилоят даражасидаги тиббиёт муассасалари	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалари
Jarrohlik amaliyoti/aralashuv/muolaja nomi					
1. Радиотўлқинли жарроҳлик ёрдамида бачадон бўйни биопсияси	-	-	-	+	+
2. Радиотўлқинли жарроҳлик ёрдамида трансформация зонасини эксцизияси	-	-	-	+	+
3. Радиотўлқинли жарроҳлик ёрдамида бачадон бўйни конизацияси (2 ва 3 турдаги трансформация зонасини аниқлашда)	-	-	-	+	+
4. Криодеструкция	-	-	-	+	+
5. Электроэксцизия	-	-	-	+	+
6. Пичоқ билан конизация	-	-	-	+	+

Эслатма: Операциянинг ҳажми зарарланиш ёши, даражаси ва чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда танланади

“Д” НАЗОРАТГА ОЛИНГАН БЕМОР ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯСИ

Диспансеризация тадбирлари	Тиббий хизматлар номи	ОШП/ОП	КТМП	Тадбирлар минимал сони	Диспансер назорати муддати
Мутахассис (шифокор) маслаҳати	Акушер-гинеколог билан маслаҳатлашув: гинекологик текширув	-	+	1 марта. Жарроҳлик даволашдан кейин 3 ой ўтгач	3 йил
Эслатма: Агар бемор клиник ва лаборатория кўрсаткичлари бўйича даволанса, кузатув 6 ойгача ўтказилади.					
Лаборатор ва инструментал текширувлар	1. ОПВ ДНК ПЗР учун бачадон бўйни суртмасини олиш	-	+	7 марта. Жарроҳлик даволашдан кейин: биринчи йил - ҳар 3 ойда, иккинчи йил - ҳар 6 ойда, учинчи йил - йилига бир марта	3 йил
	2. Папаниколао усули билан бўялган суюқлик цитологиясидан цервикал суртма олиш	-	+	Жарроҳлик даволашдан кейин: Йилига бир марта - агар натижа ОПВ мусбат бўлса,	Индивидуал равишда

				Ҳар 10 йилда бир марта - агар ОПВ салбий бўлса	
	3. Кольпоскопия	-	+	7 марта. Жарроҳлик даволашдан кейин: биринчи йил - ҳар 3 ойда, иккинчи йил - ҳар 6 ойда, учинчи йил - йилига бир марта	3 йил
Эслатма: Интраэпителиал дисплазияни жарроҳлик даволашдан сўнг ОПВга қарши эмлаш тавсия этилади.					

ДАВОЛОВЧИ ОВҚАТЛАНИШ/ПАРҲЕЗ

Ушбу нозология учун махсус парҳез йўқ

РЕАБИЛИТАЦИЯ

Ушбу нозология учун кўрсатилмаган

ПАЛЛИАТИВ ДАВО

Ушбу нозология учун кўрсатилмаган

БАЧАДОН БЎЙНИ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯСИ БЎЙИЧА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ

Ушбу нозология учун шошилинч (тез ёрдам) тиббий ёрдам қўлланилмайди